2013 йил 2 май, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (12.398)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




ЎзА олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — ҲАМИША ИЛҒОР

***Кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадаси якунланди. Ўзбекистон вакиллари 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.***

Бу йилги интеллектуал марафонда 17 жамоа – Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Украина ва мезбонлар – жонажон Ўзбекистонимиз вакиллари иштирок этди. Етти кун давом этган олимпиадада уларнинг ҳар бири ўз юртининг шарафини муносиб ҳимоя қилди, жамоалар таркибидаги 117 нафар йигит-қиз ушбу халқаро мусобақанинг ғолиби бўлиш ва нуфузли олий ўқув юртларига имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқи учун баҳслашди.

Тақдирлаш маросими М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида бўлиб ўтди. Москва давлат университетининг кимё факультети декани, академик Валерий Лунин, олимпиада юқори савияда ўтказилганини таъкидлагани ҳолда, мамлакатимиз раҳбариятига иштирокчиларга яратилган кенг шарт-шароит учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда ёшлар таълими ва тарбияси масалаларига катта эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган энг салмоқли ютуқлардан бири таълим тизимининг тўлиқ ислоҳ қилиниши бўлди. Пухта билимга эга, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш, янгича фикрлашга қодир юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор вазифалари, деб эълон қилинди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши натижасида узлуксиз таълим тизими такомиллаштирилмоқда, таълим муассасаларининг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнига янги стандартларни, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта. Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин. Мамлакатимиз Президенти томонидан ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътиборнинг юксак самаралари Ўзбекистон ёшларининг турли халқаро интеллектуал ва спорт мусобақаларида, фан олимпиадаларида эришаётган улкан ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

***(Давоми 3-бетда)***

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

## ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

***Тошкентдаги Хотира майдонида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан «Авлодлар учрашуви» ўтказилди. Унда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, курсантлар иштирок этди.***



Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида ота-боболаримизнинг буюк ишлари, матонати ва жасорати улуғланиб, юксак қадрланмоқда.

Хотира ва қадрлаш куни Ватан озодлиги учун ўз ҳаётини бахшида этган аждодларимизнинг ватанпарварлиги ва матонатини қадрлаш, ёши улуғларга ҳурмат ва эътибор каби қадриятларимизнинг ворисийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Тўхтасин Иброҳимов ўзининг тўқсонинчи баҳорини қарши олди.

– Мен бугунги тинч-осойишта ва фаровон кунларга етказганига шукр, деб яшаётганимдан жуда-жуда бахтиёрман, – дейди Т.Иброҳимов. – Кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдорман. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка ҳеч қачон кўз тегмасин.

Тадбир иштирокчилари Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

**Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МАЪҚУЛЛАДИЛАР

Биринчи навбатда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шу муносабат билан қонун лойиҳаси Меҳнат ва Уй-жой кодексларига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига уларнинг нормаларини қабул қилинган фармонга мувофиқлаштиришга қаратилган тегишли тузатишлар киритишни кўзда тутади.

Депутатлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги институти такомиллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига тузатишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқиш пайтида, ҳуқуқий амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, «мансабдор шахс», «масъул мансабдор шахс», «ҳокимият вакили» атамалари ҳуқуқий таърифининг янги таҳрирда баён этилиши, шунингдек, «жамоатчилик вакили» атамаси билан тўлдирилиши уларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига риоя этилишини ва жазонинг даражаланишини таъминлайди, дея таъкидладилар.

Депутатлар суд тизимининг фаолиятини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Таъкидландики, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб, доимо мамлакатимиз раҳбариятининг эътиборидадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари республика суд тизимининг самарали фаолиятини таъминлашга кўмаклашувчи муҳим қадамлар бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш бўйича комплекс ҳамда тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек, суд кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш ишларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Депутатлар мажлисда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мажлис давомида таъкидлаб ўтилдики, қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга, ушбу соҳадаги қоидабузарликлар учун жавобгарликни белгилашга, шунингдек, давлат органларига ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасининг муҳим янгилиги, унда мурожаат қилишнинг юридик шахсларнинг мурожаатлари деб аталувчи шакли мустаҳкамлаб қўйилганлиги бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконини беради.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни ва қонун устуворлиги конституциявий принципини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратишга имкон беради.

Шундан кейин депутатлар нефть, газ қувурларига, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларига рухсат этилмаган ҳолда уланиш йўли билан ўғрилик содир этганлик, шунингдек, ушбу объектларга шикаст етказганлик ва уларни яроқсиз ҳолга келтирганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси масъул қўмиталарга топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари масалалар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғонада Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Словениянинг «Regional Dialogue» ташкилоти ҳамкорлигида давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

**● Қаршида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**● Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида ёш журналистлар учун маҳорат мактаби ташкил этилди.**

**● Нукусдаги «Баркамол авлод» болалар марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Ўзингдан айланай, ўлкам!» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.**

**● Самарқанд шаҳрида йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Ярмарка давомида йирик саноат корхоналари ва кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар ўртасида кўплаб шартномалар тузилди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШ Калифорния штатининг жанубий қисмида Cessna-172 русумли иккита енгил самолётнинг ҳавода ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида бир киши ҳалок бўлган, учта одам тан жароҳатлари олган. Тўқнашув натижасида самолётлардан бири Калабасас тоғли туманида ерга қулаб тушган бўлса, иккинчиси дарахтга тегиб ўтган ҳолда гольф майдонига қўнган.**

**● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида тобора кўпроқ аҳоли шаҳар бўйлаб ҳаракатланиш учун велосипеддан фойдаланмоқда. Тахминларга кўра, 2025 йилга бориб шаҳардаги велосипед ҳайдовчиларнинг сони икки баробар кўпаяди. Шаҳарда велосипедда ҳаракатланишни янада оммалаштириш ва шу экологик тоза транспортни ривожлантириш мақсадида Цюрихда жаҳондаги илк велокафе ўз фаолиятини бошлади.**

**● Француз физиклари ер ядросининг ҳарорати қандай эканлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўришди ва маълум даражада бу ишнинг уддасидан чиқишди. Олимларнинг фикрига кўра Ер шари ядросининг ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 6 минг даражага тенг экан. Авваллари бу кўрсаткичнинг минг даражада эканлиги эътироф этилган эди.**

**● Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида яқин кунларда Sky walk шиша йўлаклари очилади. Sky walkни яратганлардан бирининг айтишича, шишадан ясалган мазкур шаффоф йўлакларда ҳаракатланганда худди сув устида кетаётгандек бўласиз. Ушбу шиша йўлни мутахассислар «U» шаклида ва денгиз узра 12-13 метр чиқариб қуришни мўлжаллашган. Sky walk қуриладиган жойдан жуда чиройли манзара ва гўзал Ор Ок До ороли кўриниб туради.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг ўқув марказида «Битта тадбиркор учта ҳамкор» акцияси иштирокчиларининг Тошкент шаҳар босқичи ташкил этилади.

✓ **ЭРТАГА** «UZTEX Tashkent» корхонасида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳияти» мавзуида бадиий учрашув ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Яккасарой туман ҳокимлигида академик лицей, касб-ҳунар коллеж ўқувчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Сиз қонунни биласизми?» деб номланди.

Анжуманлар

# ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан Миллий матбуот марказида «Юристлар малакасини ошириш: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Юридик таълим тизимини янада такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилган тадбирда кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.***

Анжуманда Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбари Асқар Ғофуров сўзга чиқиб, марказнинг бугунги кундаги фаолияти, Марказий Осиёда тутган ўрни ва истиқболдаги режалари хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Айни пайтда марказ адлия, суд, юридик хизмат, адвокатура ва давлат бошқаруви йўналишлари бўйича ҳуқуқшунос кадрларни янги, замонавий билимларга асосланган ҳолда қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаси ҳисобланади ва унда ҳар йили 2500 дан ортиқ тингловчилар, ташкил топган вақтдан буён эса 21 мингдан ортиқ юристлар малака оширдилар.

Марказ юрист кадрларнинг малакасини ошириш учун етарли илмий, моддий-техникавий ва ташкилий салоҳиятга эга. Унда 5 та кафедра фаолият кўрсатаётган бўлиб, унинг илмий салоҳияти 75 фоизни ташкил этади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш учун махсус аудиториялар, компьютер синфлари ҳамда суд зали мавжуд. Марказнинг 10 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхонаси электрон ахборот тармоғига уланган ва таълимнинг барча йўналишлари ҳақидаги маълумотлар, маъруза матнлари, илмий ишлар, миллий қонунчиликка оид янгиликлар, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг электрон шакли тингловчиларга хизмат кўрсатади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича биринчи марта судьялик вазифаларига захирага олинганларни қайта тайёрлаш, хусусан, янгича услублар асосида ташкил этилган ўқув машғулотлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Марказнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТнинг лойиҳалар координатори, БМТнинг гиёҳванд моддалари ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси, Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамғармаси каби мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ва хорижий ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Анжуман ташкилотчилари бугунги кунда хорижий тажрибани эътиборга олган илғор амалиётлардан бири, марказда масофавий ўқув тизимини жорий қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида иштирокчиларга маълумот бердилар. Ушбу тизимни жорий қилиш кўпроқ тингловчиларни қамраб олишга ҳамда малака ошириш курсларини ташкиллаштиришда ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнларига кенг жалб қилишга ёрдам бериши қайд этилди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

***Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида муқобил энергия манбаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

Фармон ва ижро

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, муқобил энергия қурилмаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси С.Жабборов, Тошкент Давлат техника университети ректори Р.Саидаҳмедов ва бошқалар муқобил энергетика дунё иқтисодиётининг устувор йўналишига айланиб бораётганини, мамлакатимиз бу борада улкан табиий салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

Қуёш, шамол, биогаз каби табиий заҳиралар асосида фаолият юритувчи замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз энергия билан таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу соҳадаги ишлар «Электр энергетикаси тўғрисида»ги, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 март куни қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу соҳа самарадорлигини оширишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур Фармонда муқобил энергетика соҳасидаги илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, ушбу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, муқобил энергия манбалари ишлаб чиқарувчилари ҳамда фойдаланувчиларини рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Айни пайтда «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан изчил иш олиб борилаётир. Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган Халқаро қуёш энергияси институти муқобил энергия манбаларини яратишни ривожлантириш, илғор ва иқтисодий самарадор технологиялар яратиш ва иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этишга оид ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Давра суҳбатида муқобил энергия манбаларига оид қонунчилик ва халқаро тажриба, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси концепцияси, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришда инновацион ғоялардан фойдаланишнинг аҳамиятига оид маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

Кўргазмалар

# МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

***Истиқлол йилларида юртимизда халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъати янада ривож топди. Авлоддан авлодга, устадан шогирдга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб бормоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.



Юртимизда кундан-кун миллий ҳунармандчилигимиз янада ривожланиб бормоқда. Соҳага бўлган эътибор ортиб, уларни рағбатлантириш мақсадида бир қанча тадбирлар ташкил этилган. Республикамиз бўйлаб «Ташаббус», «Асрлар садоси», «Ўзбекистон халқ амалий санъати – дунё нигоҳида», «Базар-АРТ» каби турли кўргазмалар, аукционлар, кўрик-танловлар ва фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси биносида бўлиб ўтди. «Обод турмуш йили»га бағишлаб ташкил этилган ёш кулолларнинг Республика кўргазмасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кулоллар қатнашди. Улар миллатимизнинг миллийлигини, урф-одатларини, анъаналарини ўзида мужассам этган энг сара асарлари билан иштирок этди.

Кўргазма ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, гиёҳвандлик, турли иллатлар хавфи ва зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, олис қишлоқларда ижод қилаётган ёш кулолларни кашф қилиш ва уларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

– Ёшлигимдан мана шу ҳунар билан шуғулланаман, бу менга ота мерос касбдир, – дейди Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридан ташриф буюрган Хайрулла Жўраев. – Оиламиз билан кулолчиликка меҳр қўйганмиз. Ҳозирги кунда хум, осма гултувак, ваза, мевадон, қадаҳлар, шамдон каби жами 20 хилдан зиёд сопол маҳсулотлари ясаймиз. Ушбу тадбирдан таассуротларим катта, бу ерда маҳсулотларимизни намойиш қилиш билан бир қаторда соҳада эришилаётган ютуқлар ва янгиликлар билан танишмоқдамиз.

Тўрт кун давом этган мазкур кўргазмада ёш усталар тажриба ошириш баробарида юртимиздаги бошқа кулолчилик мактабларининг санъат асарлари билан ҳам танишдилар.

Тадбир якунида иштирокчиларга диплом ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# АГРАР СОҲА ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан аграр соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоконференция ташкил этилди.***

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Соҳага оид қонунчилик замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Жумладан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Селекция тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги, «Наслчилик тўғрисида»ги қонунлар асосида элликдан ортиқ қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Он-лайн мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Видеоконференцияда иштирок этган марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтарилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

# БИЛИМ ВА МАЛАКАНИ ОШИРИШ – БУГУННИНГ ТАЛАБИ

***Ҳар бир соҳада кўзланган натижаларга эришиш, иш муваффақиятини таъминлаш кўп жиҳатдан мутахассислар, барча ходимлар билим доираларини кенгайтириб, касбий малакаларини ошириб боришларига боғлиқ.***

Бу масала пенсия таъминоти тизимига кирувчи жамоаларга ҳам тўла тааллуқли. Яна бир муҳим жиҳат борки, ушбу соҳа ходимларининг кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар билан мулоқотда бўлишларига, уларнинг саволларига тўла ва аниқ жавоб беришларига тўғри келади. Худди шу жараёнда суҳбатлашаётган кишиларнинг ҳолатини тўғри англаш, психологиясини яхши билиш, масалаларни босиқлик билан тушунтириш, энг асосийси, муомала маданиятига риоя қилиш талаб этилади.

Шу боис Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан тизимда ишлаётган ёш ходимларнинг амалий кўникмаларини чуқурлаштириш, билим даражалари ва касбий малакаларини ошириш, муомала маданиятини шакллантириш мақсадида ўқув семинарларини ўтказиш изчил йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди. Тўрт босқичда ўтказилаётган мазкур машғулотлар учун ҳар бир гуруҳга йўналишлар белгиланиб, режалар ишлаб чиқилганлиги ва уларга амал қилинаётганлиги кўзланган мақсад муваффақиятини таъминламоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимларининг ёш ходимлари ўқув-амалий семинарларда мунтазам қатнашиб, ўзларининг билим ва малакаларини оширмоқдалар. Машғулотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Файзулла Тўраев, Феруза Раҳматова, Абдурашид Исмоилов сингари бўлим бошлиқлари ва бошқа малакали мутахассислар томонидан олиб борилаётганлиги семинарларнинг таъсирчанлигини оширмоқда. Тошкент Давлат педагогика университетининг психология фанидан дарс берувчи билимдон ўқитувчиларининг бу ишга жалб этилганлиги эса ёш ходимлар муомала маданиятини ўзлаштиришларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Сарвар РАҲМАТОВ,**
**Бюджетдан ташқари**
**Пенсия жамғармасининг**
**Олмазор тумани бўлими мутахассиси**

Ислоҳотлар оқимида

# ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар соҳа мутахассисларини қувонтириш билан бир қаторда, уларга маълум маънода масъулият юклаганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, энди иш бошлаётган тадбиркорларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларга керакли маслаҳатлар бериш муҳим жиҳатлардан биридир.***

Хусусан, «Ўзстандарт» агентлигининг Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармасида ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда агентлик томонидан Президентимизнинг 2012 йил 26 мартда қабул қилинган «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан Чилонзор, Олмазор ва Шайхонтоҳур туман ҳокимликларида тадбиркорлар билан суҳбат уюштирилди.

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси мутахассислари томонидан сўнгги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида корхоналар жамоаларига «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларнинг моҳиятини англаган ҳолда фаолият олиб боришлари лозимлиги тушунтирилди.

Тадбиркорлар давлат ҳимоясида, деган гап бекорга айтилмаган, албатта. Дарҳақиқат, Юртбошимиз ҳам ҳар бир чиқишларида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар. Тадбиркорнинг иши гуллаб-яшнаши учун у аввало яхши билимга эга бўлиши, керак бўлса, ундан кейин албатта мавжуд қонунлардан хабардор бўлиши, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билиши лозим. «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ходимлари ҳам айнан шу мақсадда ҳаракат қилишяпти.

Йиғилишларда халқаро талабларга жавоб берадиган сифат менежменти тизимларини жорий қилиш ва стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида халқаро стандартларни қўллаш асосида рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда тўловлар ягоналигини таъминлашга доир давлат сиёсатининг амалга оширилиши ҳақида алоҳида таъкидланди.

Кун тартибида яна кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда қатнашган хусусий тадбиркорлардаги мавжуд муаммолар ўрганилди, уларни бартараф этиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди, билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинди.

**Равшан ЮНУСОВ**

Бугуннинг гапи

# ТЎЙ ВА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА МОС БЎЛСИН

### Давра суҳбати

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабабозликларга чек қўйиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги пайтларда бир қатор қарорлар қабул қилинди ва тегишли тавсиялар белгилаб олинди. Мавзу долзарб, шак-шубҳасиз юқорида тилга олинган қарор ва тавсияларга қизиқиш, уларнинг ижро механизмлари борасидаги фикр-мулоҳазалар, ўртага ташланаётган таклифлар ҳам бисёр. Айни вақтда уларда илгари сурилаётган масалалар бир қарашда ҳокимлик ёки шаҳар Кенгаши депутатларининг ташаббуслари, навбатдаги қарорларидек кўринса-да, аслида уларни шаҳримизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарога тегишли, десак муболаға бўлмайди. Шундан бўлса керак, ўтган йил давомида ушбу муҳим масаланинг ечимини кўзлаб қабул қилинган бир қатор норматив ҳужжатларнинг татбиқ қилиниши, умуман шу жараённинг боришига қизиқиш катта.*

*Бугун ўлкамизда баҳор. Бу эса тўйлар мавсумининг бошланиши демак. Ва табиийки, мавзуга қайтиб иш кўрмоқ жоиздир.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан «Тошкент оқшоми» газетаси ҳамда tashkent.uz веб-сайти учун ўтказилган давра суҳбатида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раиси Жовдат Иноғомов, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғининг ўринбосари Рауф Ҳакимов, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Юнусжон Насимжоновлар иштирок этишди.*





**Ҳ.ЭРМАТОВ (Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари):** *Пойтахтимизда тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни ўтказишда ортиқча дабдабабозликка чек қўйиш, халқимизнинг тарихий қадриятларини асраган ҳолда, манманлик ва кибр-ҳавога берилишларнинг олдини олиш йўлида 2012 йил давомида амалга оширилган ишлар, очиғи, кўпчилик юртдошларимизнинг дилларини хушнуд этгани ҳеч кимга сир эмас. Ўтган қисқа давр мобайнида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши қарорига биноан маҳаллалардаги обрў-эътиборли фуқаролар, халқ ҳурматига эришган олимлар, ижодкорлар, санъаткорлардан таркиб топган жамоатчилик кенгашларининг ҳам бу борадаги ибратли ишлари ўз самарасини бераётир. Мазкур йўналишдаги ишларнинг изчил давоми сифатида ўтган йил 10 сентябрда шаҳар ҳокимлигининг **«Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидалари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинган эди.*

*Жовдат ака, аввало тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабабозликка чек қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда ҳокимликнинг мазкур қарорининг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.*

**Ж.ИНОҒОМОВ:** Энг аввало, шаҳар жамоатчилик Кенгаши фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринли. Ушбу Кенгаш томонидан тез фурсатда тўй-ҳашамлар, марҳумлар хотирасига бағишланган маърака ва бошқа маросимларни ўтказишни тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва ушбу тавсиялар асосида халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2012 йил 18 апрелдаги «**Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида**»ги қарори қабул қилинди.

Умуман, худди шундай жамоатчилик кенгашлари туманларда ва фуқаролар йиғинларида ҳам ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси ва мақсади шаҳримизда тўй ва бошқа маросимларни халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ортиқча дабдабабозлик ва харажатларсиз ўтказишни тарғиб этиш, аҳолига тавсиялар бериш ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришдир. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўтган йилнинг 7 апрель куни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими томонидан жамоатчилик кенгашининг тавсиялари асосида икки ёш келин-куёвларнинг намунавий никоҳ тўйлари ҳам ўтказиб берилди.

Шунингдек, аҳоли орасида кенг тарғиб этиш мақсадида ушбу тавсиялар алоҳида плакат ҳолида кўп минг нусхада нашр эттирилиб шаҳримиздаги жамоат ташкилотлари ҳамда 476 та маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори қабул қилиниши ҳамда жамоатчилик Кенгаши томонидан тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни тартибга солиш бўйича тавсияларни тарғиб этиш жараёнида тўй қилувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи томонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга келтирувчи ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж туғилди. Яъни, илгари томонлар тўйни ўтказиш бўйича оғзаки келишувга асосан иш кўрганликлари боис, тўй охирида яна қўшимча харажатларнинг юзага келиши, бунинг натижасида бир томоннинг молиявий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолиши ҳам кўп учраганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда иккала томоннинг ҳам масъулиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг юқорида таъкидлаб ўтилган «Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 732-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидалари белгилаб берилди. Қарор асосида тўй қилувчи ва хизмат кўрсатувчи томонлар ўртасидаги муносабатларни, айниқса иқтисодий муносабатларни қонуний тартибга солиш, унда томонларнинг мажбуриятларини аниқ-тиниқ белгилаш мақсади турибди. Қолаверса, ортиқча чиқимларга, яъни буюртма берувчининг молиявий жиҳатдан қийналиб қолишига йўл қўймаслик ҳам унинг мақсадига киради.

**Ҳ.ЭРМАТОВ**: *Юртимизда тўйлар мавсуми ҳам бошланмоқдаки, ўз-ўзидан фуқароларимизни ушбу қарорнинг ижро механизми кўпроқ қизиқтираётгани табиий. Ўйлайманки, бу борада Жовдат Иноғомов ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи ўринбосари Рауф Ҳакимовларнинг фикрларини билсак мақсадга мувофиқ бўларди.*

**Р. ҲАКИМОВ**: Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил 18 сентябрь куни шаҳар ҳокимлиги, савдо департаменти, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда пойтахтимизда жойлашган тўй ва маросимлар ўтказувчи тўйхона, ресторан ва йирик кафелар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди. Унда мутасаддилар томонидан қарорнинг асл мазмун ва моҳияти, қарор билан тасдиқланган «Тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар ўтказиш қоидалари» барча тўйхоналар раҳбарларига етказилди.

Савдо департаменти томонидан Тошкент шаҳридаги юз ва ундан ортиқ кишига тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар ўтказишга мўлжалланган тўйхона, ресторан ва кафелар рўйхати тузиб чиқилди ва тасдиқланди. Бу рўйхатга юқорида таъкидланганидек, юз кишидан ортиқ мижозга маросим хизматларини кўрсатувчи, аҳоли гавжум жойларда жойлашган ҳамда номи аҳолига маълум бўлган муассасалар киритилди.

Рўйхатга киритилмай қолган тўйхона, ресторан ва кафелар раҳбарлари улар томонидан тадбирлар ва маросимлар ўтказилиши бўйича рўйхатга киритиш учун мурожаат этиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилди. Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни қайд этиш бўйича махсус китоб тайёрланди ва уларга тарқатилди.

Бугунги кунда департаментнинг туман бошқармалари томонидан шаҳар бўйича жами 149 та тўйхона, ресторан ва кафелардан ўтказилган тадбирлар бўйича белгиланган шаклда маълумот қабул қилиш йўлга қўйилди.

**Ж. ИНОҒОМОВ:** Ушбу тадбирларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ҳам фаол иштирок этиш билан бирга, маҳаллаларда ушбу қарорни тушунтириш ишларига кўпроқ урғу бермоқдалар.

**Ҳ. ЭРМАТОВ**: *Умуман, бу ўринда аҳоли, яъни юридик тил билан айтганда, буюртмачи томон бўлмиш оддий юртдошларимизнинг мазкур қоидалардан бохабар бўлишлари, бу жиҳатдан ўз ҳуқуқларини, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар зиммасига қўйилаётган мажбуриятларни билишлари муҳим аҳамият касб этиши турган гап.*

*Маҳалла институти эса ўзининг жамоатчилик назорати вазифасидан кенг фойдаланиши айни муддао бўлган бўлур эди.*

**Ж. ИНОҒОМОВ:** Дарҳақиқат, тузилган жамоатчилик Кенгашлари томонидан назорат ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу жараёнда маҳалла фаоллари ҳам ўз ҳудудларидаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тадбирларнинг ушбу қоидалар талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, шу кунга қадар жамоатчилик Кенгаши томонидан маҳаллаларда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш юзасидан **13.000** дан ортиқ тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, уларга **700.000** га яқин фуқаролар жалб этилган. Энг қувонарлиси, ушбу қоидаларнинг жамоатчилик томонидан тўла-тўкис қўллаб-қувватланаётганидадир. Бунинг натижалари ўлароқ, бугунги кунда тавсия этилган қоидаларнинг амалда қўлланилаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айниқса, эрталабки ош тадбирлари соат 7.00 дан 9.00 гача бўлиб ўтаётгани, базм кечалари кечи билан соат 22.30 да тугатилаётгани, кундузги ош беришлар соат 12:00 дан 14:00 гача оралиқда ўтказилаётгани, яқин вақтлардан бошлаб тўйхоналарда хизмат кўрсатувчи ва буюртмачи ўртасида шартномалар тузилаётганини айни шундай ҳаракатлар самараси бўлмоқда, дейишимиз мумкин.

**Ҳ.ЭРМАТОВ**: *Тўйхоналар, кафе ва ресторанларга тарқатилган рўйхатга олиш журнали ҳақида тўхталиб ўтилди. Ушбу журналнинг мазкур қоидаларни жорий этишдаги ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?*

**Р.ҲАКИМОВ**: Мазкур журналларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни қайд этишнинг намунавий шакли кўрсатиб берилган бўлиб, ҳар бир ўтказиладиган тадбирда иштирокчиларнинг исми-шарифи, манзиллари, тадбирларни ўтказиш санаси, ундан кўзланган мақсад, тадбирга хизмат қилувчилар (санъаткорлар иштироки кўзда тутиладиган бўлса, уларнинг лицензия рақамларини қайд этиш) шунингдек, унда қатнашадиган кишилар сони кўрсатилади. Бу эса биз юқорида таъкидлаган мажбуриятлар ҳамда томонларнинг муносабатларини тартибга солишда асосий кўрсаткичлар бўлиб хизмат қилади. Тадбирни белгиланган тартибда қайд этиш ва рўйхатини юритиш мажбурияти тўйхона, ресторан ва кафе раҳбарларига топширилади.

Қоидалардаги қуйидаги ҳолатларни яна бир бор эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Яъни, тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказиладиган тадбир учун буюртмачи хизмат кўрсатувчининг номига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади ва унда:

а) буюртмачининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ёки юридик манзили;

б) уй ёки мобиль телефон рақами;

в) тадбирнинг мақсади (нима муносабат билан ўтказилиши) ва тури (тўй оши, эҳсон оши, амри-маъруф, ақиқа, бешик тўйи, никоҳ тўйи, туғилган кун ва бошқа тадбирлар);

г) тадбир ўтказиладиган сана;

д) тадбирнинг бошланиш ва якунланиш вақти;

е) қатнашчиларнинг мўлжалланаётган сони;

ж) тадбирга хизмат қилувчилар кўзда тутилган тақдирда, уларнинг исми-шарифи ва вазифаси ;

з) ариза берилган сана, буюртмачининг имзоси қўйилади.

Тадбирларда хизмат кўрсатувчи яна бир томон бор, қоидаларга биноан, ушбу соҳа вакили адлия идораларида рўйхатга олинган ташкилотда фаолият кўрсатаётган бўлиши лозим.

Қоидаларнинг 9-бандига асосан эса «тадбирда лицензияланадиган фаолият туридан фойдаланилган тақдирда, лицензияли хизмат кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар ресторан, кафе ва тўйхона маъмуриятига ушбу хизмат турини кўрсатишга рухсат берувчи лицензиянинг нусхасини тақдим этади» ёки 10-бандга мувофиқ, «лицензияга эга бўлмаган хонандаларнинг тадбирда хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди».

Демак, бу ўринда қоидаларга риоя этишда нафақат икки томон, балки учинчи томоннинг ҳам муайян мажбуриятлари назарда тутилмоқда.

**Ҳ.ЭРМАТОВ:** *Эътиборли жиҳати, тўйларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишга қаратилган жараёнлар нафақат пойтахтимиз аҳолиси томонидан, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб қизғин қўллаб-қувватланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, марказий нашрларимизда ушбу ташаббусни бошқа ҳудудларда ҳам кенг қўллаш таклифи билан чиқаётган юртдошларимизнинг интилишлари, истаклари бизни хурсанд қилади. Бироқ, қарорларнинг қабул қилиниши, қоидаларнинг тасдиқланиши, маҳалла-кўйнинг эътибор ва назорати ҳаммани ҳам бирдек инсофга чақириш учун камдек. Ҳали ҳам отдан тушса-да, эгардан тушишни истамаётганлар сирасига кирувчи кишилар оз эмаслиги ҳам ҳақиқат.*

Албатта, мазкур қоидалар ижросини назорат қилишда давлат идоралари ва жамоатчиликнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Жумладан, қоидаларнинг 16-бандида ички ишлар органларининг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тадбир ўтадиган объектда хавфсизлик талаблари бажарилишини ўрганиш, далолатнома билан расмийлаштириш, аниқланган камчиликлар бўйича мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш ва назоратга олишлари белгиланган бўлса, 17-бандда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаментига тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказилаётган тадбирлар устидан мониторинг олиб бориш, мазкур қоидаларни бажармаётган тўйхона, ресторан ва кафега нисбатан қонуний чора кўриш учун Давлат солиқ органлари ва мутасадди идораларга ахборот киритиш вазифалари юклатилган.

Шу маънода, мазкур қоидаларга риоя этмаслик ҳолатларига биргина инсофга чақирувчи сўзларнинг ўзи етарли эмаслигини ҳам кўпчилик таъкидламоқда. Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, ушбу йўналишда қандай чоралар кўрилаётгани, уларнинг таъсирчанлиги борасида ҳам тўхталиб ўтсак, ёмон бўлмасди.

**Ю. НАСИМЖОНОВ:** Дарҳақиқат, қоидаларнинг 18-бандида Давлат солиқ органлари ваколат доирасида тўйхона, ресторан ва кафеларда мазкур Қоидаларда белгиланган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши ва молиявий-хўжалик талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиб, амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда текширув ўтказади ва аниқланган ҳолатлар бўйича чора кўради, дея ёзиб қўйилган.

Аҳолига мазкур йўналишда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан доимий иш олиб борамиз. Албатта, мазкур қарор ва унда белгилаб берилган қоидалар, қолаверса, департамент томонидан жорий этилган қайд этиш китобининг юритилиши хизмат кўрсатувчи ва буюртма берувчининг солиқ идоралари олдидаги мажбурият ва масъулиятлари даражасини ҳам аниқлаштиришга хизмат қилади. Очиғи, юқорида қайд этиб ўтилганидек, қоидаларга риоя этмаслик йўлини танлаган тадбиркорларимиз ҳам оз эмас. Мисол тариқасида Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган ўрганишлар натижаси ўлароқ, бир қатор муассасаларга тегишли қонуний чоралар қўлланилди. Таҳлиллар ҳали бу борада солиқ идоралари вакилларининг савдо департаменти, жамоатчилик кенгашлари билан изчил ҳамкорликда иш олиб боришлари зарурлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, мазкур қоидалар аслида оддий фуқаролар манфаатлари учун хизмат қилишини инобатга оладиган бўлсак, тўй ва тадбирларни ўтказиш бўйича буюртма берувчи юртдошларимизнинг ўзларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Улар ҳам ҳисобли-китобли бўлиб, ўша тартибларни яхшилаб ўрганиб иш юритсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига йирик тадбирларни ўтказиб беришга чоғланган ҳар бир тадбиркордан бундан буён шартномаларга қатъий риоя этиши ва улар бўйича тушадиган тушумларни ҳам яширишга йўл қўймаслиги талаб этилади.

**Ҳ. ЭРМАТОВ:** *Яхши иш бошланди. Бора-бора тўй-ҳашамлардаги бизнинг меҳнаткаш, лафзи ҳалол халқимизнинг тарихига, бугунги салоҳиятига мутлақо мос бўлмаган, ярашмайдиган иллатлардан ҳам халос бўламиз, албатта. Аммо, бундай ишлар бир кунда пайдо бўлмагани каби улардан жуда тез фурсатда халос бўлиш ҳам мушкул.*

*Куни кеча Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жовдат Иноғомовлар иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳам айни шу мавзуга бағишланди. Тадбирда иштирокчиларнинг фикри якдил бўлди, яъни бу ишда ҳеч бир кишининг лоқайд ва томошабин бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу маънода анжуманга ташриф буюрган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига мазкур мавзуга доимий кун тартибидаги масала сифатида қараш, жамиятдаги бизга ярашмайдиган турли иллатларга қарши биргаликда курашиш зарурлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, бу – шак-шубҳасиз, ҳар биримизга тегишли бўлган масала. Шундай экан, жамоатчилик назорати, ижтимоий шерикчилик каби ҳамкорликдаги механизмлар қатори фуқаролик позициямизни ҳам яна бир бор қайта тарозига солишнинг фурсати келди…*

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — ҲАМИША ИЛҒОР

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадаси икки назарий ва битта экспериментал (амалий) турдан иборат бўлди. Биринчи назарий турда ихтисослаштирилган кимё синфлари дастурига мос келадиган 8 мажбурий вазифа қамраб олинди. Иккинчи тур кимё фанининг беш бўлимини ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир бўлим бўйича учтадан савол келтирилган, иштирокчилар ўз хоҳишига кўра, улардан бирини ечиши керак эди. Экспериментал тур давомида иштирокчилар моддаларни кимёвий таҳлил қилиш ва таклиф этилган услубиёт асосида синтезни ўтказиш бўйича ўз кўникмасини намойиш қилди. Уч тур натижаларига кўра иштирокчилар кўпи билан 230 балл тўплай олиши мумкин эди.

Иштирокчилар учун фойдали ва қизиқарли ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш мақсадида махсус маданий-маърифий дастур ишлаб чиқилди. Унда Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларига саёҳат, мамлакатимиз ўқув юртларидаги таълим жараёни билан танишув, концертлар кўзда тутилган эди.

– Олимпиададаги иштироким менда унутилмас таассуротлар қолдирди, – дейди Тисауйварош шаҳридаги Жозеф Этвош номидаги ўрта мактаб ўқувчиси Питер Болгар (Венгрия). – Ўзбекистон – қадимий тарих, бетакрор табиатга эга бўлиб, одамлари бағрикенг, ёшлари эса бағоят иқтидорли экан. Менга, айниқса, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поездида Самарқандга сафаримиз жуда ёқди. Бу қадим шаҳардаги қатор таълим муассасаларини бориб кўрдик. Эътиборлиси, Самарқанд ўзида тарихийлик билан замонавийликни уйғунлаштирган энг гўзал шаҳарлардан бири экан. Кўпроқ суратга олишга ҳаракат қилдим, дўстларим ва яқинларимга ўз таассуротларимни сўзлаб беришимда бу суратлар жуда асқотади.

Кимё фани бўйича 47- халқаро Менделеев олимпиадасида иштирокчилар 11 олтин, 23 кумуш ва 36 бронза медали учун мусобақалашди. Ўзбекистон вакиллари 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда Россия, Беларусь ва Украина жамоалари ҳам юқори кўрсаткичларга эришди.

– Аввало, олимпиада юксак даражада ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдормиз, – дейди Беларусь жамоаси раҳбари Денис Шклярук. – Ўзбекистонда ёшлар камолотига қаратилаётган эътибор, айни пайтда йигит-қизларнинг ҳам бу имкониятлардан оқилона фойдаланаётганини эътироф этиш жоиз.

– Менделеев олимпиадаси ҳақиқий билим ва дўстлик байрамига айланиб кетди, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг С.Сирожиддинов номидаги академик лицейи иккинчи босқич талабаси, олтин медаль соҳиби Дилшода Ортиқбоева. – Биз, Ўзбекистон ёшлари, таълим соҳасида яратилган кенг шарт-шароитлар, ўз салоҳиятимизни намоён этиш ва касб ўрганиш борасидаги имкониятлар учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовдан беҳад миннатдормиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога такроран Бектемир тумани СИБ томонидан Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда:

1. «Ваз-2103» д/р 30W9813, 1978 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.04.2012 й, №1-195. Бошланғич баҳоси – 2 460 473,42 сўм.
2. «Москвич-412» д/р 30I1541, 1987 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010 й, №1-45. Бошланғич баҳоси – 139 256,15 сўм.
3. «М21-УС» д/р 11К2070, 1963 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009 й, №1-674. Бошланғич баҳоси – 1 096 963,84 сўм.
4. «Москвич-412» д/р 11Х8782, 1983 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати №2-24, 07.03.2012 й. Бошланғич баҳоси – 823 378,68 сўм.
5. «Хундай Старекс» д/р 30W9788, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати №2-27, 19.04.2012 й. Бошланғич баҳоси – 41 556 061,80 сўм.

**Аукцион савдоси 2013 йил 28 май куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 24 май куни соат 18:00. Автотранспортлар билан Бектемир туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. **Изоҳ:** и/ч – ишлаб чиқарилган, д/р – давлат рақами. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан 2011 йил 23 мартда реестр тартиб рақами №1594 бўлган №1454 рақам билан рўйхатдан ўтган (ИНН 301908204) «SHAXZOTBEK VA JAVLONBEK UNVERSAL» МЧЖ тугатилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади: (90) 320-33-72, 240-49-64. Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 2-уй, 16-хона.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани 10-даҳа, 13-уй, 28-хонадонда яшовчи Имомова Муҳаббат Обитжановнага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳридаги Олмазор тиббиёт коллежи томонидан 1993 йил 25 декабрда Сайдуллаева Умида Ибрагимовна номига берилган 5190 рўйхат рақамли, СТ-I № 507067 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 155-мактаб томонидан 1991 йилда Сайфутдинов Музаффар Джамалитдинович номига берилган № 207253 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





*Мустақил диёрнинг бахтли фарзандларимиз*

Владимир Гранкин олган суратлар

Футбол

# УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР

***Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳларида бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «В» гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоаси меҳмони бўлди.

Айтиш жоизки Тошкентдаги баҳсда пахтакорчилар 1:0 ҳисобида зафар қучишган эди. Агар бу сафар ҳам Мурод Исмоилов шогирдлари ғалаба қозонишса нимчорак финал йўлланмасига эга бўлишарди.

Бироқ амалда бундай бўлмади. Учрашувга пухта ҳозирлик кўрган мезбонлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди ва очколари сонини еттитага етказиб «Пахтакор»га етиб олишди. Лобанов дарвозасини Яҳё ал-Шафрий ва Жаман аниқ нишонга ола билишди.

Ушбу гуруҳдаги БААнинг «Ал-Шабоб» ва Қатарнинг «Лахвия» жамоалари баҳси жанговар дуранг 1:1 ҳисобида якунланди.

Энди «Пахтакор» сўнгги турда ўз майдонида «Ал-Шабоб» жамоаси билан куч синашади. Агар ушбу учрашувда пахтакорчилар рақибни мағлуб эта олишса кейинги босқичга йўл олишади.

Шунингдек, «G» гуруҳида қатнашаётган «Бунёдкор» бу сафар Тошкентда Япониянинг «Санфреччи Хиросима» жамоасини қабул қилди. Японияда ўтказилган баҳсда ғалаба нашидасини сурган Миржалол Қосимов шогирдлари ўз майдонларида рақиб дарвозасига кўплаб ҳужумлар уюштиришса-да, 90 дақиқа мобайнида японлар дарвозасини ишғол эта олишмади. Шундай қилиб ўйин 0:0 ҳисобида якунланди.

Гуруҳдаги Хитойнинг «Бийзцинг Гуан» ҳамда Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерз» жамоалари баҳси 2:0 ҳисобида хитойликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Ҳозирда ушбу гуруҳда «Бунёдкор» ва «Бийзцинг Гуан» жамоалари саккизтадан очко тўплаб пешқадамлик қилишмоқда.

Нимчорак финал иштирокчилари номи сўнгги 6-турдан кейин маълум бўлади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Шаҳримизда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Миллий олимпия қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўн саккиз ёшгача бўлган спортчи қизлар ўртасида анъанавий «Тўмарис маликаси – 2013» кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

# ТЎМАРИС ИЗДОШЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

Танловда иштирок этган спорт маликалари жами тўрт шарт бўйича куч синашдилар. Умумий натижаларга кўра, шотокан-каратэ-до бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони Ҳилола Бадалова Гран-при соҳибаси бўлди. Анъанавий у-шу устаси Карина Тошхонова биринчи ўринга лойиқ топилди. Шунингдек, каратэчилар – Дилафрўз Жўрабоева, Дилдора Турсунова, дзюдочилар – Комила Ҳидоятова ва Маҳлиё Маннонова, пенчак-силат устаси Хонзодабегим Аъзамова, таэквондочи Рамиля Вильданова ва ўзбек жанг санъати устаси Гўзал Пейсенова турли номинациялар бўйича ғолиб чиқдилар.

– Мен бу танловда иштирок этиб ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди Ҳилола Бадалова. — Кўплаб спорт мусобақаларида иштирок этганман, лекин бугунгидай ҳаяжонланмаган эдим. Мен келажакда юртимиз байроғини жаҳон майдонлари узра баланд кўтариб, мамлакатимиз довруғини дунёга таратмоқчиман.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишларига барча шароитлар яратилиб берилмоқда. Бу борада Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Марказ томонидан анъанавий «Тўмарис маликаси» ва «Шарқ яккакурашлари маликаси» кўрик-танловлари ўтказилиб келинаётганлиги юртимиздаги спортчи қизларнинг ўзига хос қирралари, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда

Элимиз суйган санъаткорларнинг чиқишлари ҳам тадбирга янада файз бағишлади.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

Танловлар

# САҲНАДА — ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

***Маълумки, Обод турмуш йили ва 15 май – Бутунжаҳон оила куни муносабати билан Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмалари жамоалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари бўлиб ўтмоқда.***

Танлов туман, ҳудудий ва шаҳар босқичларидан иборат бўлиб, ҳар бир жамоада 6 нафардан иштирокчи қизиқарли шартлар бўйича ўз куч-маҳоратини намойиш этмоқда. Яъни таништирув, сардорлар беллашуви, Обод турмуш йили ва Оила кунига хос, соғлиқни сақлашга оид мусиқий ва ҳажвий кўринишдаги саҳнавий чиқиш, «Соғлом она – соғлом бола» Давлат дастурига оид эркин мавзу (қўшиқ, рақс, бадиий чиқиш, шеър) каби шартлар, албатта ҳар бир жамоанинг билим ва малакалари доирасини белгилашда жуда қўл келди.

Кўрик-танловнинг мақсади эса «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилишида жамиятимизнинг асоси бўлган оилани янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, «Соғлом она – соғлом бола» тамойилига мувофиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда жамиятимиз томонидан ғамхўрликни янада кучайтиришдан иборат.

Жумладан, ҳудудий босқич доирасида куни кеча Юнусобод туманидаги 7-поликлиникада Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» танлови бўлиб ўтди. Кўрикка ташриф буюрган мухлислар бетакрор саҳна кўринишлари, ҳангомалару дилтортар куй-қўшиқлар ижросининг гувоҳи бўлишди. Шундай мусобақалар бошқа туманларда ҳам бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов ғолиблари 11 май куни ўтказиладиган шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**



**СУРАТДА: танловдан лавҳа**

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

# ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

***Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг яқин кўмакчисига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Эндиликда ҳар қандай кутилмаган вазиятга тушиб қолган одамларнинг Қутқарув отрядига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари телефонлар ёки оғзаки сўровлар орқали мурожаат қилишмоқда ва ўз вақтида зарур ёрдам ёки маслаҳат олмоқдалар.***

Бу шубҳасиз, шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди қутқарувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки қутқарувчилар ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга муҳтож ва оғир аҳволга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатишлари, шу билан бирга ўзларининг ва шу инсонларнинг хавфсизлигини таъминлашлари керак. Бу эса қутқарувчилардан экстремал вазиятларда тўғри ва тезкор ҳаракат қилишлари учун катта маҳорат ва малакани, касбий, жанговар тайёргарликни талаб қилади. Бунинг учун қутқарувчилар маҳоратларини муттасил ошириб боришлари ва экстремал вазиятларда қутқарув асбоб-анжомларидан, техникаларидан тўғри фойдаланишни билишлари шарт. Қутқарув отряди ходимларининг ҳар қандай фавқулодда вазиятларда тўғри ва тезкор ҳаракат қилишларини таъминлаш мақсадида улар билан доимий равишда назарий ва амалий ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Бунинг учун бошқарма биносида алоҳида ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, у зарурий ўқув кўргазмали плакатлар, ўқув-услубий қўлланмалар, зарур китоблар, телевизор ва видео-аппаратура билан жиҳозланган. Шунингдек, халоскор-қутқарувчиларнинг замонавий қутқарув воситаларини яхши ишлата билишлари ва янги техник усулларни ўзлаштиришларига катта эътибор берилмоқда.

Бошқарма офицерлари подполковниклар Элдор Арипов, Ҳусан Бобонов, майор Раҳмуддин Нуралиев, катта лейтенант Файзулла Муротов, катта сержант Фарҳод Норпўлатовлар ёш қутқарувчиларнинг малакасини, касбий ва жанговар тайёргарлигини оширишга катта ҳисса қўшишмоқда ва улар билан доимий равишда назарий ва амалий ўқув машғулотлар ўтказишмоқда.

Малакали қутқарувчилардан Рамиз Алимходжаев, Алишер Исаков, Саид Набиев, Исахон Халенов, Бахтиёр Насметовлар эса ўз билим ва тажрибаларини амалиётда қўллаб, ёш қутқарувчиларга ўргатиб боришмоқда. Шунингдек, қутқарувчиларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ФВБнинг Қутқарувчиларни тайёрлаш марказида касбий ва жисмоний тайёргарликдан ўтказилиши давом этмоқда. Жорий йил давомида қутқарувчиларнинг жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишдаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясида махсус курсларда ўқитиш режалаштирилган.

**Мақсуд МАНСУРОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ Қидирув-қутқарув гуруҳи командири, сержант**
**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Бахтнинг баҳоси йўқ.**

* * *

**Гап-сўзлар ўтади, қилинган иш қолади.**

* * *

**Омонат бахтни куч билан тутиб қолиб бўлмайди.**

* * *

**Бировни бекордан бекорга овора қилиш бемаъниликдир.**

* * *

**Кўпни кўрган бирга қаноат қилмайди.**

* * *

**Ҳамма ҳам ишининг битганини кўради.**

* * *

**Ортиқча пул одамни бузади.**

* * *

**Меҳнат ғамни унуттиради.**

* * *

**Қадрини билмаган хор бўлар.**

* * *

**Кераксиз ишлар кўп вақтни олади.**

* * *

**Насиҳат қилиш осон, амал қилиш қийин.**

* * *

**Кўкракка уриб айтилган сўз кўпинча ёлғон бўлади.**

* * *

**Тушкунлик – умиднинг кушандаси.**

* * *

**Ўзига ишонмаган ҳеч нимага эришолмайди.**

* * *

**Тушкун кайфият ҳаммада ҳам бўлади – ҳамма гап ўзни кўлга ола билишда.**

* * *

**Қийналиб яшасанг, кўзинг очилади.**

* * *

**Биз кўпинча бошқаларни билмай туриб айблаймиз.**

* * *

**Ҳамма нарса унга қандай кўз билан қарашингга боғлиқ.**

* * *

**Худбин нуқул ўз манфаатини илгари суради.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 май** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 541
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11938 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ